

2015-1

Судланганнинг ҳаракатлари ортиқча квалификация қилингани сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 15 августдаги ажрими, шу суд раёсатининг 2014 йил 13 ноябрдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2014 йил 15 июлдаги ҳукмига кўра, Ш. Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми "в,г" бандлари билан судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ш. туман давлат солиқ инспекцияси юридик шахсларга солиқ солиш бўлими катта инспектори лавозимида ишлаб келиб, шўъба инспектори И. билан олдиндан тил бириктириб, таъмагирлик йўли билан "Surat Jihoz" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини тугатиб бериш эвазига Т.дан 400 АҚШ доллари беришни талаб қилиб, 2013 йил 4 декабрда И. орқали Т.дан 400 АҚШ доллари миқдорида пора олганликда айбдор деб топилган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Ш.нинг айблилиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми "в" банди билан ортиқча квалификация қилган.

Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги "Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорида, таъмагирлик — мансабдор шахс томонидан фуқаронинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиш ёки фуқарони унинг қонуний

манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасддан туширишдан иборатлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳолатларига қараганда, жабрланувчи Т. "Surat Jihoz" масъулияти чекланган жамиятига ҳеч қандай алоқаси бўлмаса-да, ДСИ ходимлари Ш. ва И.га бир неча марта учраб, масъулияти чекланган жамияти тоғасига тегишли экани, тоғаси чет элда бўлиб, корхонани тугатиш ишларини унга топширгани, тугатиш учун қандай харажатлар бўлса, тўлашга тайёр эканини айтиб, ёрдам беришини сўраган.

Бу ҳолатда Ш.нинг ҳаракатларини қонуний манфаатларига зарар етказадиган ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида Т.ни пора беришга мажбур этадиган шароитга тушириш, деб баҳолаб бўлмайди.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари судлов ҳайъатининг 2015 йил 19 февралдаги ажрими билан Ш.нинг айбидан Жиноят кодекси 210-моддаси 2-қисминининг "в" банди чиқарилиб, суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилди.

Назорат иши № 5-123-15